

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: БУХОРО ВОҲАСИ ШАҲАРСОЗЛИГИ

Топширди: Агзамова М

Қабул қилди: Шоназаров Ш.

Тошкент 2014

Бухоро воҳаси шаҳарсозлиги

Режа:

Кириш.

I.Бухоро

II.Варахша

III. Пойкенд

Хулоса

Кириш

Юртимиз мустақилликка эришгач Ватанимиз тарихини тиклаш ва объектив тарзда ёритиш имконига эга бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1998 йил 26 июнда тарихчи олимлар ва журналистлар билан қилган суҳбатларида таъкидлаганларидек, «... Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, ҳалқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур»¹. Юртбошимизнинг куйиниб айтган ушбу жумлалари биз ёш тарихчилар учун дастурул амал бўлиши лозим. Зеро, истиқлолнинг дастлабки кунлариданок бебаҳо маънавий-маданий меросни холисона ўрганиш ва тиклашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда.

Қадимдан Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг бир бўлаги сифатида тараққий этиб борган. Бу ўз навбатида юртимиз ҳудудида ўзига хос шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишига замин яратган.

Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудида қадимги ва ўрта аср шаҳар қолдиқларини учратиш мумкин. Хусусан, бой тарихий меросга эга бўлган Бухоро воҳасида ҳам илк ўрта аср даврига оид шаҳар харобалари мавжуд бўлиб, бу шаҳарлар жумладан, Варахша, Пойкенд ўз даврида воҳанинг савдо-иқтисодий ва сиёсий маркази вазифасини ўтаган.

Бугунги кунда ушбу шаҳар харобалари археолог олимларимиз томонидан қатор экспедициялар асосида ўрганилиб, илмий хулосалари эълон қилинган.

Мазкур мустақил ишимда эълон қилинган тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар асосида воҳанинг шаҳарсозлик маданияти, ўрганилиш тарихини очиқ беришга ҳаракат қилганман. Қолаверса мазкур ишда Варахша ва Пойкенд шаҳарларинингривожланиш тарихи, инқироzi ва бошқа хусусиятларига тўхталиб ўтилган.

¹Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1999. 149-бет.

1. Бухоро

Бухоро воҳаси Зарафшоннинг ғарбида жойлашган бўлиб, шимолда Қорақум чўли, жануб-шарқда Қорақўл платаси билан чегарадош бўлган тарихий ҳудуд саналади.

Мазкур воҳада жойлашган шаҳар ва қишлоқлар ҳақидаги ислом давригача бўлган маълумотларни Хитой, Византия, Эрон ва Арман манбаларида учратиш мумкин бўлса араблар даври тарихига оид маълумотлар Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ўз ифодасини топган. Шунингдек муллифи номаълум бўлган “Ҳудуд ул-олам” асарида ҳам Бухоро воҳаси шаҳарлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Шарқнинг машҳур шаҳарларидан бири саналган Бухоро шаҳри Зарафшон дарёсининг Рудизар ва Зарируд номли икки соҳилида бир-бирига қарама-қарши жойлашган алоҳида қишлоқлар асосида пайдо бўлган.

Бухоро шаҳри вужудга келишидан аввал унинг ўрни “ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган”². Кейинчалик ботқоқликлар қуриб, ерлар текислангач шу жойда Бухоро шаҳрига асос солинган.

“Бухоро Мовароуннаҳрдаги энг катта ва обод шаҳар бўлиб, машриқ подшосининг пойтахти бўлган. Бухоро ҳудуди ўн икки фарсангга ўн икки фарсангдир ва унинг атрофи узлуксиз девор билан ўраб олинган ва унинг ҳамма работларию қишлоқлари ана шу девор ичкарасида”³ жойлашган.

Бухоро шаҳар сифатида мил.авв. IV-V асрлар, баъзи маълумотларга кўра эса мил.авв. IV-III асрларда шаклланган. Дастлаб шаҳар Нумиджкет деб аталган Бухоро номи эса бутун воҳага нисбатан ишлатилган бўлиб, бу даврда воҳада Бухорхудотлар ҳукмронлигидаги мустақил эгаликлар

²Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак. 1991., 90-б.

³Ҳудуд ул-олам.- Т.: Ўзбекистон. 2008., 11-б

бўлган. Наршахийнинг маълумотига кўра Бухоро дастлаб воҳанинг яна бир бошқа шаҳри бўлган Ромитанга нисбатан ишлатилган.

Бухоро номи илк ўрта аср Хитой манбаларида Ан, Анси, Анго бўлиб, ўз навбатида Бухоро сўзининг хитойча талаффузи Бухо, Буку, Бухэ, Бухуаэр, Букала, Фухо, Пухала деб ишлатилган.

Ўрта аср араб манбаларида хусусан Истахрий, ибн Хауқал, ал Макдусий, Наршахий маълумотларида Нумиджкат, Бумиджкат, Навмичкат (янги шаҳар), Ал Мадина ас-суфрийя (мис шаҳар), Мадинат ат-тузжор (савдогарлар шаҳри), Фохира (фахрли шаҳар) деган номлар билан тилга олинади.

Бухоро атамаси санскритча «Вихора» сўзининг турк-муғул шакли «Бухор» (ибодатхона) дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама суғдийча «Буғ» «Бағ» тангри ҳамда «оро» (жамол) сўзларидан иборат бўлиб, “тангри жамоли” деган маънони англатади деган фикрни илгари сурганлар.

“Айрим манбаларга кўра, санскритча «Вихара» турк-уйғур шаклида (бутлар, буддизм ибодатхонаси) деган маънони англатади деган фикр илгари сурилади. Бунга асос сифатида қуйдагилар келтирилади: Қорачурин ўғли Шири Кишвар Бойкендда 20 йил ҳукумронлик қилади ва шу давр мобайнида Бухоро шаҳристонини қурдиради. Унинг ўғли Ил-тегин (Нили хон) Бухоро воҳасида Искиджкат, Фарахша ва Ромитанга асос солади”⁴.

Ил-тегин хитой маликаси Сян-шыга уйланган бўлиб, малика Хитойдан ўзи билан Будда ибодатхонасини олиб келади ва Ромитанга ўрнатади. Тахминларга кўра кейинчалик мазкур ибодатхона Бухорога ўрнатилиб **Vihara** яъни Будда ибодатхонаси бор жой деб номланган. XIX аср ўрталарида чизилган Бухоро ва унинг ён-атрофларини акс этувчи харитада Хитой ҳукмдори ўғлининг қабри эслатиб ўтилади (**қабр-и писар-и Хита**)”⁵ бу ўз

⁴Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии.: Т., Шарк. 2006.

⁵Муҳаммеджанов А.Р. Историко-топографический план Бухары Ахмад Дониша //ОНУ, 1965, 5. С.31-42.

навбатида Хитой маликаси умрининг сўнгги кунларини айнан Бухорода ўтказганидан далолат беради.

Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш мақсадида А.Р. Муҳаммаджонов раҳбарлигида тадқиқот олиб бордилар. Натижада Ромиш I, II, III, Сеталак, Бухоро чуқур тадқиқ қилинди. Шу билан бирга Бухоро шаҳар тарихини ўрганиш мақсадида унга маданий алоқа жихатидан боғлиқ бўлган Кўзимонтепа, Чордира, Арабон, Хўжабўстон, Варахшанинг қуйи қатлами, Бештепа ёдгорликлари ўрганилди.

Шаҳарнинг етти жойида қазилар ишлари олиб борилиши натижасида 20 метрдан ошиб маданий қатлам аниқланди. Шаҳар девори аввал пахсадан кейин тўрт томони тенг ғишдан қурилган, тўғри бурчакли кунгурга эга. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, турли тарихий даврларда шаклланиб борган.

“Қадимги шаҳристон замонавий Бухоронинг маркази ўрнида бўлган ва 5-6 метр баландликда қурилган. О. Большакованинг реконструкцияси бўйича қараганда шаҳристон тўғрибурчакли шаклда бўлиб, тахминан 575х600 м ҳажмда бўлган. Тўғрибурчакли бир хил маҳаллалар тўғри кўчалар асосида бўлинган. Икки асосий кўча эса шаҳар марказини кесиб ўтиб, шаҳар дарвозасига бориб тугаган”⁶. Шаҳристоннинг ўзига хос бу шакли Бухоро шаҳрини илк ўрта асрларданок тараққий этиб бурганидан дарак беради.

“Тўғри тўртбурчак шаклдаги Бухоро шаҳрининг асоси 21 гектар бўлиб, бу ерда мустаҳкам ҳимоя иншоотлари, ҳукмдор саройи, мафкуравий иншоотлар, турар-жой қолдиқлари очиб ўрганилган. Топилган моддий маданият буюмлари Бухоро илк ўрта асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек бу даврда шаҳарнинг еттита дарвозаси бўлиб, бу ҳолат унинг муҳим савдо транзит устида жойлашганлигидан далолат беради”⁷. Шу сабабдан шаҳар кейинги даврларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

⁶С.Хмельницкий Между арабами и тюрками.: Берлин-Рига., 1992. С-254.

⁷Б.Эшов. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи... Т., Ма’рифат. 2009. Б-184.

2. Варахша

Бухоро воҳасининг яна бир қадимги шаҳар харобаларидан бири Варахша бўлиб, ёдгорлик Бухородан 40 км шимоли-ғарбда, Дашти Урганжи кўлининг қадимги Ранжфандун воҳасида жойлашган.

Варахша майдони 9га ва баландлиги 10-20 метрли улкан тепа шаклида сақланган. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, Варахшада мил.авв. II асрда бир-бирига туташган бир неча истехкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган. Варахша харобаларининг шимоли-ғарбида қадимги кўрғонлардан бирининг ташқи девори ва ярим доира шаклидаги бурж (ички саҳни 4,5х5м) қазиб ўрганилган. Девор (қалинлиги 1,8-1,9м) хом ғиштдан (ҳажми 37х41х10) қурилган.

Мил.авв. II-асрларда ва милодий I-II асрларда Варахша ва унинг атрофида маданий ҳаёт гуллаган. III-IV асрларда шаҳар таназзулга учрайди. V асрда Варахша яна тикланиб Бухоронинг қадимги ҳукмдорлари бўлган Бухорхудотларнинг қароргоҳига айланган. Шу даврда Варахша мустаҳкам девор билан ўралган, унинг жанубий қисмида арк қурилган. “Варахша Бухоро шаҳридан қадимийроқдир, у подшоҳлар турадиган жой бўлиб, мустаҳкам ҳисорга эга бўлган, чунки подшоҳлар у ҳисорни бир неча марта мустаҳкамлаганлар. Унинг Бухоро шаҳрининг девори сингари девори ҳам бўлган”⁸.

VIII-X асрларда шаҳар янада ободонлашади, бунда Варахша ва унинг атрофлари ўн икки канал билан суғорилиб, Ранжфандун воҳасидаги энг йирик ва марказий қалъалардан бирига айланади. Бухорхудотлар қароргоҳи қилиниши билан Варахша йирик шаҳарга айланади. XI-XII асрларда унинг ҳудуди энига 6 км дан зиёд бўлган. XII асрда Варахшадаги ҳаёт тўсатдан номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган.

1949-1954 йилларда Варахша тарихи ва меъморчилиги ўрганила бошланди. Ёдгорликнинг меъморий тузилишига эътибо берадиган бўлсак,

⁸Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак. 1991., 99-б.

Варахша квадрат шаклдаги йирик хом гиштлардан қўш минора тарзида қурилиб тахтқурасини бирига подшо саройи ва иккинчисига соқчихонадан иборат дарвозахонали бино қурилган.

Аркнинг шарқий қисмида томи равоқсимон гумбаз тарзида ёпилган узун йўлаксимон хоналар мавжуд. Варахшанинг ўзига хос шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари шу даврга оид бошқа сўғд шаҳарларига ҳам хос бўлган. Аммо шу билан бирга ўзига хос томонлари ҳам бўлган, жумладан, “Варахшанинг турар-жойлари мазкур давр ва ҳудуддаги ислом анъаналаридаги турар-жойларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Варахшанинг «Айвон-ховли» режасидаги усули Мисрнинг 10-11 асрларига оид Фустат уй режа асосига ўхшаб кетади”⁹.

Археологик топилмаларидан аниқланишича, жанубий хоналарнинг иккинчи қаватидаги хона ганчкори нақшлар билан безатилган экан. Кўплаб топилган қабартма ганчкори нақшлар орасида ҳовузда сузиб юрган балиқлар, елкасидан ўқ еган архар, елиб бораётган жайрон, беданалар, аёл бошли бахт куши-Хумо, ҳамлага таёрланаётган аждархо, тақимиға садоқ боғлаган суворий ҳамда кўпдан кўп аёлларнинг бош қисмлари билан бир қаторда турли хил ислимий ва гириҳ парчалари учрайди.

“Варахшада ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни наврўз-янги йил байрамини ўтказадилар. Буни Наврўзи кишоварзон-деҳқонлар наврўзи дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил кунлари ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади”¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро воҳасининг тарихий-маданий объекти сифатида Варахша ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади. Ёдгорлик илк ўрта асрлар даври тарихи, меъморчилигини ўрганишда бой моддий манбалардан бири эканлиги билан ҳамиша тадқиқотчилар диққат эътиборидадир.

⁹С.Хмельницкий Между арабами и тюрками.: Берлин-Рига., 1992. С-257.

¹⁰Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак. 1991., 99-100.б.

3. Пойкенд

Пойкендъ қадимги карвон йўли устида қад кўтарган шаҳар харобаси бўлиб, Бухородан 44 км жануби-ғарбда, Жондор ва Қоракўл туманлари туташган ҳудудда жойлашган. “Ҳаромком суви Байкандга келади. Байканд камишзорлар ва катта-катта сув халқоблари туташади; буларни «Боргини фарох» «кенг ҳавз» дейдилар ва Қоракўл деб ҳам атайдилар”¹¹.

“Пойкенд илк Ўрта асрларда Бухоро воҳасидаги энг обод ва йирик шаҳарлардан ҳисобланиб, ўзининг қулай географик ўрни туфайли Самарқанд билан Бухорони Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан боғлаган”¹²

Қадимшунос олимлар Яҳё Ғуломов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Аҳмадали Асқаров ва бошқа олимлар томонидан қарийб 20 гк лик қадимий Пойкенд харобаларида 1960-1970 йиллар давомида археологик қазилар ишлари олиб борилиб, топилмаларнинг қадимийси миладгача бўлган IV аср охирига ва III аср га тегишли эканлиги аниқланган.

Ўрта аср ёзма манбаларида Пойкенд шаҳри Бойканд, Хитой манбаларида Би (қуйи шаҳар) номлари билан тилга олинган. Рус тадқиқотчиси Зимен хитой манбалари асосида Пойкендни ҳукмдор уйи яъни Патиканд, Патиканна деб таъкидлаган. Ўз навбатида Ғарблик тарихчилар Томашек, Матварт Пойкенд эфталитлар томонидан қурилган ва хитой манбаларида Патиян деб аталганини қайд этиб ўтганлар.

Араб географ ва тарихчилари Ибн Хауқал, Хурдодбек, Табарийлар уз асарларида Пойкендни Мадина ал-Тужжор деб қайд этган бўлсалар, Наршахий Шаҳристони роҳин яъни мисгарлар шаҳри деб атаган.

“Ушбу кўҳна шаҳар илк ўрта асрларга келиб кенгайиб боради ва V-VI асрнинг бошларига келганда уч қисмли йирик марказга айланади, ҳамда умумий майдони 18 гектарга етади. Пойканд қазилмаларида илк ўрта асрларга оид кўплаб моддий маданият топилган бўлиб, улар ҳақиқатдан ҳам

¹¹Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак.,1991.100-б.

¹²Р.Бойтуллаев, Г.Остонова. Мозий дафтаридан саҳифалар.-Т.: О'zbekiston., 2010. Б-25.

Пойканд бу даврда араб манбаларида таърифланганидек, Мадинат ат-тузжор бўлганлигидан далолат беради”¹³.

Пойкенд ўтмишда тўрт қисмдан иборат бўлган:

- 1) Дарвозали арк (майдони 1га);
- 2) дарвозали ички шахристон (майдони 11га);
- 3) дарвозали ташқи шахристон (майдони 6га);
- 4) шарқ, ғарб, жануб қисмидаги (100га) лик майдон ва улкан работлар.

Аркда қадимий ибодат хона, подшоҳ саройи, IX-X асрларда қад кўтарган жоме масжиддан иборат. Ички ва ташқи шахристонларда савдогар ва хунармандларнинг турар-жойлари, ички бозор, устахона, нонвойхона, дорихоналар каби иншоотлар бўлган. Шаҳарнинг работ қисмида “Бухоро кишлоқларининг сонича, мингдан ортиқ работ бўлган”¹⁴, шунингдек, ташқи бозор, карвонсаройлар бўлган. Шу билан бирга 50дан ортиқ наус (остодонлар хилхонаси), оташпарастлар қабристони некропл бўлган.

Эфталийлар даврида V аср 2-ярми VI аср бошларида Пойканд пойтахтга айлантирилган. Айтиш лозим-ки Пойканд ғарбий суғднинг сиёсий ҳаётида стратегик аҳамиятга эга бўлган, яъни жанубий-ғарб, дашт ҳудудларидан мутасил содир бўладиган кўчманчилар ҳужумини қайтаришда мустаҳкам ҳарбий қўрғон вазифасини ўтаган.

674 йил араб саркардаларидан бири бўлган Зиёд фатҳ этади. 707 йил Қутайба ибн Муслим Пойкендни қамал қилади ва 50 кундан сўнг лаҳм қазиб ичкарига бостириб кирадилар. Бу давр мобайнида Пойканд анчайин инқирозга учрайди аммо IX-X асрда Пойкендда ҳаёт яна давом этади.

Сомонийлар ҳукмронлиги барҳам топгач XI асрда суғориш тармоқлари сувсизликдан қуриб қолади, оқибатда шаҳар бўшаб харобага айланади.

XII аср 1-чорагида Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон ҳукмронлиги даврида қисқа вақт ҳаёт жонланиб, XII аср 2-чорагида сув бутунлай қуриб Пойкенд яна вайронага айланади.

¹³Б.Эшов. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи... Т., Ма’рифат. 2009. Б-184.

¹⁴Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак.,1991. 100-б.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро воҳаси қадимий тарихий маданий ҳудудлардан бири саналади. Воҳа шаҳарсозлиги ўз тарихий тараққиёти даврида юксак ривожланишдан тортиб токи инқирозгача бўлган воқеаларни бошидан ўтказди.

Дастлаб қишлоқ манзилгоҳлари сифатида вужудга келган Варахша, Пойкенд, Бухоро шаҳарлари илк ўрта асрларга келиб савдо-иқтисодий марказлардан бири сифатида намоён бўлади. Маҳаллий савдогарларнинг турли давлатларга бориб савдо қилишлари ва ўз навбатида ўзга юрт савдогарлари учун транзит ҳудуд вазифасини ўтаган воҳа шаҳарлари тез суръатларда ривожланиб бори.

Мил.авв 4-асрда Бухоро арки қурилиши мўлжаллаган ҳудуд мудофа девори ва кенг хандақ билан ўраб олиниб, унинг этагида учта мустаҳкамланган манзилгоҳ жойлашган. Мазкур манзилгоҳлардан Фиробдиз, Навмичкат, Бухоро деб аталган. Кейинчалик бу уч манзилгоҳўзаро бирлашиб ва тараққий этиб катта шаҳарга айланган.

Бухоронинг ислоига қадар бўлган тарихи хусусидаги маълумотлар милоддий 7-8 асрлар билан чегараланади. Шундай бўлсада воҳада олиб борилган қатор археологик тадқиқотлари мазкур тарихий ҳудуднинг тарихига оид қатор маълумотларни олишга имкон берди.

Мустақиллик йилларида Бухоро воҳасида жойлашган деярли барча ёдгорликлар қайта таъмирланиб халқимиз ва хорижлик сайёҳлар учу тақдим этилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Наршахий. Бухоро тарихи.- Т.: Камалак.,1991йил.
- 2) Б.Эшов. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи...: Т., Ма'rifat. 2009.
- 3) Р.Бойтуллаев, Г.Остонова. Мозий дафтарида саҳифалар.-Т.: О'zbekiston., 2010.
- 4) С.Хмельницкий Между арабами и тюрками.: Берлин-Рига., 1992.
- 5) Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии.: Т., Шарк. 2006.
- 6) Муҳаммеджанов А.Р. Историко-топографический план Бухары Ахмад Дониша //ОНУ, 1965, 5.
- 7) Худуд ул-олам.- Т.: Ўзбекистон., 2008.